

КИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 24 август
ЖУМА
№ 192 (4.985)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар кун чикади

Баҳоси 3 тийин

Пахта йиғим-теримига шаймисиз?

МАВСУМ ИМИЛЛАШНИ КЕЧИРМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИ ВА
«КИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНING БИРГАЛИКДАГИ ТЕКШИРУВИ

Пахта—халқимизнинг фахри, гурури, Бутунитифок фондида етказиб берилган олий тортигимиз. Шу боис Ўзбекистонда ҳамма ўзини пахтакор деб билади, унинг муқаддас таъбишлари билан ишлайди. Сўзларда йилда жумҳуриятимиздаги асарият хўжаликларининг азамат деҳқонлари омилиқлик, ташаббускорлик кўрсатиб, даладада мўл ҳосил етиштиришди. Хадемай ҳал қилувчи давр — йиғим-терим мавсуми бошланди. Қувончли шукки, бу йил қолхоз ва совхозларнинг заршунослари ваҳдатли меҳнат аэвзига яратилган оқ олтинни ўз кўчлари билан саранжомлашга аҳд қилишган. Демак, ҳар дақиқадан, машина-механизмлардан, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш лозим. Ҳа, мавсум муваффақиятини техника ҳал қилади. Шундай экан, машина-механизмларнинг тайёргарлиги қандай?

Ана шу саволга аниқ жавоб олиш мақсадида Жиззах, Бухоро, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги хўжалиқларга сафар қилдик. Байналмиал бурч масъулиятини чуқур ҳис этган қолхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари бу муҳим ишга биринчи даражада аҳамият беришмоқда. Жумладан, Зарбдор районидagi «Тараққиёт», «Ленин йўли», Боевут районидagi 1-«Боевут» совхозларида сошлаш ишлари 15 августдаёқ муваффақиятли якунланди. Ишчиларга қулай шартлар яратилганлиги, шиддикли тер туқанлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилганлиги, мусобақанинг оммавийлиги таъминланганлиги мақсадга эришишда муҳим омил бўлди. Айниқса Дўстлик районидagi «Октябрь 50 йиллик» давлат хўжалигида техникани эъвозлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Рақамларга эътибор қилинг: 1989 йилда хўжалик заршунослари давлатга 11.500 тонна сифатли хом ашё топширилган. Шундан 10.700 тоннаси пўлат этаклардан туқилди. Ҳар бир терим машинаси ҳисобига 100 тоннадан пахта туғри келди. Номдор совхозда техника воситалари шаймисиз ва янги мавсумга тайёрлаш аниқ тадбирлар асосида олиб бориляпти. Словонлар, муҳандислар, механикаторлар ўзларига топширилган ишни аъло даражада бажаришга одатланган. Устахоналардаги саранжом-сарипшалак, тежамкорлик кишини қувонтиради. Шунинг учун юздан ортиқ зангори кема, 25 та кўрак узадиган, 40 та кўрак чўшич мосламалари ҳамда 120 та телекка сифатли созланиб, мўддатидан илгари тайёргарлик чизига келтириб қўйилди. Механизатор кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакаларини ошириш борасидаги ишлар ҳам мақтовга эришди.

Бўлган таъриба ва ташаббуслар жуда кўп. Ўтган йили Пахтакор районидagi «Пахтакор», Мирзачўл районидagi С. Сеғизбоев номи, Дўстлик районидagi Қосим Раҳимов номи давлат хўжаликларининг механизаторлари техникани кўз қорачигидек асраб, унинг қудратини амалда намойиш этдилар. Уларнинг ҳар бири пўлат этакдан 110—138 тоннага етказиб пахта туқди.

Пешку районидagi «Октябрь» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси И. Умаров билан суҳбатлашсангиз, ҳал қилувчи паллага пахта тайёргарлик қирилатганлиги, механизаторлар сафи кенгайтирилганлиги хусусида узундан-узоқ ҳикоя қилади. Бригадаларда эса тамоман бошқа манзаранинг гувоҳи бўлидик. Словончилар очиқ жойда ишлашляпти. Иссиқ оғвақат, чой ташкил этилмаган, Оммавий-сиёсий, маданий-маиший тадбирлар бажарилаётган ҳолатда қолмоқда. Узаро талабчанлик унутилган, интизом суъйтириб юборилган. Оқибатда таъминотлар талаб даражасида созланмаган. Ажабланишчи шукки, уларнинг баъзилари ҳақто ўтган йил ҳосили қолдиқларидан тазалланмаган...

Ғийдувон районидagi Энгельс номи жамоа хўжалиги бош инженери А. Қолдав ҳам ёлгон гапиршидан ҳайқимайди-ганлардан экан. У сўзлар йилида иш қўйилганлик кетаётганлиги, 36 терим агрегати тайёргарлик чизига келтириб қўйилганлиги таъкидлади. Биз тавақал қилиб 11 та зангори кемадан кўздан кечириш учун ажратиб олдик. Барчасида камчиликлар борлиги аниқланди. Свердлов районидagi Свердлов номи қолхоз устахонасида ишлаётганларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Иссиқ оғвақат, чой ўйда туриши, ичимлик сув ҳам муаммо экан. Ён-атрофда темир-тераклар юзми. Иш белгиланган режа асосида олиб борилмади. Хўжалик бошқаруви раиси С. Ражабов кишиларнинг танқидий фикр, тақлиф-мулоҳазаларига эътибор бермапти, таъбишчи ҳолини баргараф этишга қаратилган шояшнинг тадбирларни белгиламапти.

Текшириш гуруҳи аъзолари хўжалиқларда экинларни парвартириш, уларни машинабон қилиб ўстириш юзасидан амалга оширилган ишлар билан ҳам таънишдилар. Ҳазорасп районидagi «Партия XXI съезди» жамоа хўжалигида таъбишчи ҳол юзага келган. Имконият бўла туриб, мўл ҳосил туғлашга барча сафарбар этилмаган. 9, 12, 14, 18, 20-бригадаларда агротехник тадбирлар сифатсиз амалга оширилди. Айрим этаклар бостириб сугорилади, экин тоғлиги юборилган. Баъзи ерларда эса тузалар ҳосил туғунчаларини туқайпти.

Урганч районидagi «СССР 50 йиллик» жамоа хўжалигида ҳам ўзибўларлик давом этапти. Мавжуд пахта терим машиналарининг биронтаси мавсумга шай эмас. Қалинин номи қолхозда 20 га яқин агрегат тайёр, деб ахборот беришганди. Шундан учтагина ишга яроқли бўлиб қичди.

Фақат Ленин номи жамоа хўжалигидаги ишлар бизни қувонтирди. «Муҳим ишга таъриба олиш, механизаторлар, мутахассислар жалб этилди. Социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва ошқоралиги таъминланган. Илгорлар кўпчилик ўртасида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириляпти. Маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатиш жонланапти. Кайфиятга кўп нарсга боғлиқ. Бу ерда 100 дан ортиқ зангори кема мўддатидан илгари мавсумга шай этилди. Умуман район бўйича 1990 йил пахта йиғим-теримиди 143 трактор, 286 телекка, 87 кўрак узичи, 110 та кўрак чўшич, 33 юкбўрич механизатор катнашади. Тадбирларга кўра 25 августга қадар уларнинг барчаси мавсумга шайланган бўлиши керак эди. Афсуски, баъзи хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари, бригада бошлиқлари ҳали вақт эрта, деган хом хаёл билан қоришибди.

Сирдарё вилояти Оқолтин райони пахтакорлари бултур давлатга пахта топшириш плавини бажаролмадилар. Ички имкониятлардан унумли фойдаланилмади. Сифатсиз созланган қанчалар-қанча техника ишлатилмай чанг босиб ётди, Сабоқлардан бу йил ҳам туғри хулоса чиқариб олишмаган қўринадди.

Қўрида тилга олинган район қолхоз ва совхозларида техникани таъмирлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Гап шундаки, муҳим ишдан район халқ назорати комитетлари, гуруҳ ва постларнинг аъзолари четда туришибди. Муаммолар ҳамжихатликда тезкорлик билан ҳал этилмапти. Масъулиятсиз раҳбар ва мутахассислар фаолиятига муносиб баҳо берилмапти. Бу кетинда улар галвир сувдан кўтарилганда аттанг деб қолишлари аниқ. Ҳали ҳам кеч эмас. Барча имкониятларни ишга солиб, камчиликларни баргараф этиши, йиғим-терим мавсумини пухта тайёргарлик билан қаршилаш барчанинг, ҳар бир кишининг бурчидир!

А. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг инспектори.

М. ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



«УЧ ҚАҲРАМОН» ҚИШЛОВ ТАРАДУДИДА

Октябрь районидagi «Уч қаҳрамон» совхозининг бригад бошлиги Суян Самандоров маккажўхори пайкади томон борайтиб: «Қани энди, йиғитлар ҳам барвақт қелақолишайди,— деб қўнглидан ўтказди. Эрта бошланган иш хўп унумли бўлади-да». Шу пайт оғир, тулдур солиб ишлаётган мотор овози кўлгоғига чалинди. Овоз пайкал томондан келди. Рухи энгил тортиб, Самандоров қадминини айна ҳам илдмапти. Бурлиб, арпқ ёқалаб кетди. Маккажўхори ўраётган қомбайн ёнига етиб борганида кўрдикки, жамоат жам. Тракторчи Норбой Тангиров кажавани қомбайн «хартуми»га туғрилди. Унинг ҳайдовчиси Анорбой Маматқулов бўлса гоҳ маккажўхори энгил селлиниб турган олд томонга, гоҳ кажаваси майдаланган маккажўхори поясига туғиб борётган трактор томонга кўз ташлаб қомбайнни бир маромда бошқариб борарди. Звено бошлиги Мустафо Самандоров бўлса маккажўхори доинини бошқа кажавага бўшатаётганиди. Ишчилардан Бегмат Самандоров унга қамлашарди. Шу пайт кўзи бригадга туғиб қолди-да, кичириб саломлашди. Суян кажавага ортिलाётган сўталарни кўздан кечириб, доллар бўлиб, туғилганидан қўнгли туғди. Ана шу Мустафонинг звеносида 37 гектар ердан мўл дон ва хашак етиштирилди. Ҳозирча дон ҳосилдорлиги 43 центнерни, дағал хашак 250 центнерни ташкил этапти.

СУРАТЛАРДА: қомбайнчи Анорбой Маматқулов; звено бошлиги Мустафо Самандоров (чапда), ишчи Бегмат Самандоров ва тракторчи Норбой Тангиров кўлик ишларни режалаштиришмоқдалар; маккажўхори ўрини пайкади.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

КОНИ ФОЙДА ТАРМОҚ

Бу йил Тошкент районининг «Ленин йўли» қолхоз боғларида мўл узув ҳосили етиштирилди. Шаҳар яқинидаги бу хўжалик меҳнаткашлари боғдорчиликни фойда келтирувчи тармоққа айлантириш учун жиддий киришибди. Шу мақсадда улар кейинги йилларда узувзорларини икки баравар кенгайтиришди.

Агар илгари қолхозда узув етиштириш билан фақат И. Нурхожиев бригадаси шуғулланган бўлса, энди ана иккита бригада қўшилди.

— 1989 йилда биз 150 гектар узувзордан бир ярим миллион сўм даромад олдик,— деди хўжалик партия комитетининг котиби А. Сулаймонов.— Баҳорда анчанча тоқларни соғуқ куриб кетган эди. Тоқларни куриб келган парварши қилиш бу йилги мавсум ҳосилини сақлаб қолши имконини берди.

Қолхоз шаҳарликларга ҳар йили қарийб 1800 тонна узув етказиб бермоқда. Лекин бу йилги ҳосил қўнглидан ҳам аъло бўлди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар гектар ердан 20 тоннагача мева олиш мумкин, яъни ҳосил эса 2500 тоннани ташкил этади.

(ЎЗТАГ).

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УРГАНЧ 22 август. (ЎЗТАГ). Бугун бу ерда Хоразм вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Мажлис қатнашчилари КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари ҳамда вилоят партия ташкилотининг съезд қарорларини амалга оширишга доир фаолиятнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар.

Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Р. М. Худойберганава маъруза қилди.

Пленум вилоят партия комитети комиссиялари туғридаги низоми ва ишлар билан ишлаш комиссиясини тузиш туғрисидаги масалани кўриб қичди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

АРМИЯДА МАФКУРА ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Тошкентдаги округ офицерлар уйда Қишлоқ байроқли Туркистон ҳарбий округи идеология ходимларининг йиғилиши ўтмоқда. Унда сиёсий органларнинг тарғибот ва ташвиқот бўйича лекторлари, катта инструкторлари, ҳарбий қисмларнинг, ҳарбий-қурилиш отрядларининг, ҳарбий комиссариятларнинг тарғиботчилари иштирок этишмоқда.

Ҳарбий кенгаш аъзоси, Қишлоқ байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиги, генерал-лейтенант А. И. Захаров тушланганлар ҳузурида идеология ширини хозирги концепцияси, КПСС XXVIII съезди қарорлари асосида



ЭНДИ ҲОСИЛ

НОБУД БЎЛМАЙДИ

Фарғона вилоятидаги Киров номи совхозда меваларни қайта ишлаш корхонаси барпо этилди. Янги дех Қўқон ишо-арақ заводи-нинг қабул пункти ёнида қурилди. Бу эса қурилиш қийинати кескин қамайтириб, инженерлик коммуникациялари ва тозалаш ишпоотлари сарф-харажатларини исетино этди.

Янги корхона хўжаликда кейинги йилларда барпо этилган боғлардан териб олинган олма, нок ва шайтоларнинг нобуд бўлишига сира йўл қўймаслик имконини беради.

Ҳозир совхоз консерва заводига помидорларни қайта ишловчи линияни яратиш ишлари тугаланапти. Бу йилги помидор ҳосилининг бир қисми ҳозирдаёқ томат-паста, тузламадан қўришишда истеъмолчиларга жўнатилади.

Одамларнинг кайфиятини билайлик

КПСС Марказий Комитети секретариатининг навбатдаги мажлисида жумҳуриятлар ва ўлкаларга борган XXVIII съезд делегатлари, КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг аъзолари олдида қўйилган масалалар кўриб қичилди.

Меҳнат жамоалари ва жамоатчилик билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувлар партия фаолиятининг шакли ва методларини янгилашга, унинг ишларини мазмунини совет кишиларининг орзу умидларига бўйсундиришга интилийши одамлар туғуниб маъқуллаётганликларини кўрсатмоқда, деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби А. С. Даасоков. У XXVIII съезддан кейин ўтган даврда съезд делегатлари, КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси аъзоларининг бир қанча жумҳуриятлар ва вилоятларга сафар қилганликлари туғрисида ахборот берди.

Айни вақтда партиядан, партия ташкилотларидан, коммунистлардан ижтимоий-иқтисодий соҳадан аҳолини яхшилаш сари ўзгаришига, жамиятда сиёсий вазиати барқарорлаштиришга оид кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар амалга оширишга қаратилган янада жадал ва сезиларли тадбирларни кўриштириш кўтмоқдалар. Совет фуқаролари жияоқчиликка қарши курашини кескин ку-чайтиришини қатъий ва алоқалит тарзда талаб қилмоқдалар. Халқ хўжалиги тармоқларида шартнома мажбуриятлари ниҳоятда бузулганлиги туғрисида газабланиб гапирмоқдалар, кўпгина корхоналар бекор туриб қолишга мажбур бўлмоқда. Бу эса иқтисодийта ҳадоқатли таъсир кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш издан чиқувчи, ишчилар ва улар оилаларининг ҳаётий маъраатларига сезиларли даражада даҳл қилувчи хатти-ҳаракатлар партия ташкилотларининг йиғилишларида кескин қоранданмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин Литва ССРнинг партия фаолилари, коммунистлари ва меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувлар ҳамда суҳбатларнинг якунлари туғрисида Марказий Комитет секретариатига ахборот бериб, фикр билдирганларнинг қўнглини маъкур республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиати мураккаб ва кескин деб баҳолаганлигини айтди. Саноат ишлаб чиқариши пасайишмоқда, жияоқчилик қўнгли, социалистик қайта қуриш тарафдорларига тазийк кучаймоқда, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳуруж қилинмоқда.

Литвада давлат, ишлаб чиқариш ва турли ижтимоий тузилмаларни қайта қуриш баҳонаси билан социалистик, байналмиал позицияларда турган виждонли, принципал кадрлар алмаштирилмоқда. Бу айниқса иттифоқ қарамогидagi корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига нисбатан намоён бўлмоқда.

Бундай мураккаб шарт-шароитларда қай тариқа иш кўрмоқдалар?

Литва Компартияси Марказий Комитети, партия комитетлари КПССнинг XXVIII съезидан кейин бирмунча зўр гайрат билан иш олиб борадиган бўлиб қолдилар. Улар дастлабки саросималикни баргараф этмоқдалар, сиёсий ташаббус кўрсатишмоқда. Меҳнаткашлар ора-

сида коммунистларнинг обрўси ошганлиги, КПСС сафарига кирувчилар қўнглининг — буннинг далилидир.

Киров вилояти коммунистлари ва меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган суҳбатларда, деди Марказий Комитет котиби В. А. Купцов, ижтимоий-сиёсий вазиатни барқарорлаштириш масалалари, миллий муаммоларнинг ҳал этилиши, ССР Иттифоқи биланги алоҳида ўринни эгаллади.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Г. В. Семёнова кейинги вақтда Москва-нинг хотин-қиз фаоллари, хотин-қизлар кенгашлирининг вақиллари билан бир неча учрашувлар ўтказди. Унинг суҳбатдошлари маҳаллий маъмурулар турмуш шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан етарли даражада аниқ чоралар кўрмаётганликлари туғрисида ташвишланиб гапирдилар.

Ҳамма жойда халқ ҳокимати-нинг янги шакллари юзага келмоқда. Шунинг учун ҳозирги вақтдаги вази-фа уларнинг фаолиятини одамларнинг қўнглини эҳти-корликка яқинлаштиришдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Ю. А. Мананков, жойлардаги коммунистлар сиёсий мунозараларга берилиб, одамларнинг турмуш таъминоти билан боғлиқ энг муҳим масалаларнинг эътибордан четда қолдириласан бўлди, деб хавотирланаётганликларини айтди.

КПСС Марказий Комитети секретариатининг мажлисида хатти-ҳаракатлари аҳолининг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлаётган давлат ва Совет органлари, партия ташкилотларининг шайнга жиддий танқидий мулоҳазалар айтилди. Министрликлар ва идораларнинг раҳбар хўжалик ишларидаги коммунистларнинг мавқега эътибори жалб этилди. Уларнинг фаолияти КПССнинг XXVIII съезди ишлаб чиққан партия ижтимоий сиёсийни рўй-ёна қичариш учун кураш билан узиш-кесил туғдирилиши лозим. Янги иқтисодий вази-фаларни ҳал этиш, саноат ва аграр ишлаб чиқариш меҳнат жамоаларини СССР Олий Советининг қарорларини бажаришга жалб қилиш учун зарур шарт-шароитни явуқдур энг муҳим иш бўлиши керак. Шу муносабат билан секретариат СССР Олий Советининг бўлажак тўртинчи сессияси ишда қатнашишга доир аниқ-рашан тадбирлар тартиб-ини белгилади.

КПСС Марказий Комитетининг секретариати барча иттифоқш жумҳуриятлар Компартиялари, Марказий Комитетларига, ўлка, вилоят партия комитетларига мурожаат қилиб, ишлаб чиқаришда ва ишқимомат жойларда аҳоли билан мунозаам ва кенг бевосита мулоқотда бўлишга, учрашувлар ва йиғилишлар ўтказишлишини таъминлашга, ўртага қўйилган барча масалаларга нисбатан сезгирлик билан муносабат билдиринишга даъват этди.

КПСС Марказий Комитетининг секретариати барча иттифоқш жумҳуриятлар Компартиялари, Марказий Комитетларига, ўлка, вилоят партия комитетларига мурожаат қилиб, ишлаб чиқаришда ва ишқимомат жойларда аҳоли билан мунозаам ва кенг бевосита мулоқотда бўлишга, учрашувлар ва йиғилишлар ўтказишлишини таъминлашга, ўртага қўйилган барча масалаларга нисбатан сезгирлик билан муносабат билдиринишга даъват этди.

«ПРАВДА» — ТАСС.

Тез, сифатли ва тежамли

ҲАВОЗАЛАР ТИНЧЛИКДАН БЕРАДИ ДАРАК

Евёнов ноҳиясидаги хўжалиқлар механизациялашган 81-қўйма колонналар бунёдкорлари ўз зиммаларидаги вазифаларини шараф билан адо этиб келмоқдалар. Қурилиш қўламлари кеңгайрилиб, аҳолининг турар жойга эҳтиёжларини тўлароқ қондириши эришиш олдимида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Бу борада меҳнат жамоаси зиммасига катта вазифа юклатилган. Бунёдкорларимиз 1990 йилда Евёнов ноҳияси ҳудудида камда 2,5 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни режалаштиришган. Ҳатто етти ойлик иш натижалари шунинг кўрсаткичида, биз бу вазифани асосан ўзини тўлатишга ҳурқатилган бўлиб, унинг 1 миллион 502 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширдик.

Шу даврда ноҳиямизда қўллаб турар жойлар, жамоат бинолари қад ростлади. Охунбобоев номли кўлоҳда ҳар бири 140 ўринли болалар боғчаси, 16 оилага мўлажалланган учта уй, район марказида 32 хонадон учун, Евёновда эса бешта кооператив турар жой ва бошқа уй-лаб бинолар фойдаланишга таъминланди.

Иш сифатига эътибор бериш билан бирга биноларни муддатидан илгари қуриб битказиш учун курашамиз. Жумладан, «Евёнов» совхозининг Суялик ариқ

қишлоғидаги 422 ўқувчиға мўлажалланган, ҳамма қўлайликларга эга бўлган замонавий мактаб биносини янги ўқув йилгача битказиш учун барча имкониятлардан фойдаланяямиз. Район марказидаги ҳар бири ўн олти хонадонга мўлажалланган икки уйни ҳам тез кунларда фойдаланишга топширишни ният қилиб қўйганмиз.

Булардан ташқари бунёдкорларимиз район марказий шифохонасида қурилаётган қўшма биноларда, «Москвич» колхозининг Бутқачи қишлоғидаги йилга 15 миллион қишлоқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод, 200 ўринли клуб, шу хўжалиқнинг «Коммуна» участкасидаги 422 ўринли мактаб, «Ленин» колхозидagi 844 ўринли мактабда, 2 минг тонна маҳсулот сақлашга мўлаҳаза қилинган қурилиш ишларини жадал олиб бормоқдалар. Абдуғаффор Абдусатторов, Райимжон Сотиев, Азимжон Мирзаев, Маҳмуд Али Худойбердиев, Эргашали Каримов, Камолддин Халидов, Латифжон Солиев, Иван Залинка сингари уйлаб қўли гул қурувчиларимиз алоҳида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Шу билан бирга улар ёшларга мураббий бўлиб, қурувчиларга касбия меҳр-муқаббат уйғотмоқдалар.

Хўжалик ҳисоби асосида меҳнат қилаётган жамоаси ташкилотнинг моддий-техника базасини мустахкамлашга катта эътибор берилмоқда. Эҳтиёжнинг учун йилга 5—7 миллион дон

лишиқ гишт заруриятини, шу билан бирга район меҳнат-қашларининг талабларини инобатга олиб, 15 миллион донна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган завод қурилишига киришди. У 1992 йилда тўла қувват билан ишлашга кириши мумкин.

Бинокорлик материаллари тақчиллигига барҳам бериш мақсадида цемент, оҳак, алебастр, металл сингари материалларни ишлаб чиқарадиган заводлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, ускуналар айирбошлашни йўлга қўйди. Ёғоч-тахта етказиб беришни ахшиллаш мақсадида Сибирдаги «Леспромхоз» лардан бири билан алоқа ўрнатди. Қўйма колонна-мизининг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш полигониде темир-бетон буюмлар тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳозирда автокорхона ташкил этиб, транспорт хизмати кўрсатишни ахшиллади, шу билан бирга жойларга материаллар етказиб бериш ҳам талаблар даражасига кўтарилди. Муҳими — бу борада жуда катта маблағ тежаб қилинди.

Ноҳиянинг жуда қўллаб ёшлари қурилиш ишларида жалб қилинди. Қурувчиларимиз халқимиз ишончини оқлаш, эл-юрт фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўлиш учун бор куч ва имкониятларини ишта сомоқдалар.



Депутатлар сўрови ОСОЙИШТАЛИККА ТАШНАМИЗ

Хурматли редакция!
Шу йил март ойида қишлоғимиз тарихида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. Охунбобоев номли давлат хўжалиқининг Садовая кўчаси, 6-уйда истиқомат қилувчи қишлоқ Советининг депутаты Мирали Бердиевнинг уйи ярим кечада портлатиди. Яхшимки, оила аъзолари бошқа жойда ухлаётган экан. Акс ҳолда фалокат юз бериши мумкин эди.

Район ички ишлар бўлимининг терговчиси М. Раҳимов воқеани ўрганиб, қишлоқ Совети депутатлари иштирокида қўллаб одамларни сўроқ қилди. Етказилган шикаст 12.324 сўм деб баҳоланди. Жиноятчиларнинг ҳам қимлиги қисман маълум бўлиб қолди. Бироқ район прокурори ушбу тергов материалларини бекор қилиб, бошқа терговчи — О. Тиллаевни юборди. Биз ҳуқуқшунос эмасмиз. Аммо шунинг яхши билмагани, ҳақиқатан ҳам уй портлатилган. Бироқ кейинги терговчи уй портлаш қисмини бекор қилиб, терговни нотўғри олиб борапти. Унга бир неча бор мурожаат этганимизга қарамай бизнинг гўвоҳликларимиз инобатга олмапти.

Зарар кўрган хонадон эгалари қишлоғимизнинг бообрў одамларидан. Бу оила бир неча йилдирки, фермер хўжалиғи юритиб давлатга қўллаб миқдорда қорвчиллик маҳсулотлари топширади. Ҳаюл меҳнати билан фаровон турмуш кечирмоқда. Айни кунларда ушбу хонадон кунга 600 литргача сут етказиб берапти. Йилга 30 тоннагача гўшт топширади. Аллақандай бетайин қимсалар эса қишлоғимиздагина эмас, балки районимизда фермерлик ҳаракатини бошлаб берган аjoyиб қорвалдор ошига шерик бўлиш мақсадида улар ҳаловатини бузишмоқда. Афсуски, район ва вилоят ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ушбу жиддий ишга бефарқ қарамапти. Инсон ҳаётига таъовуз қилган жиноятчилар эса эмин-эркин юришибди.

Ушбу воқеа ўз берганидан бери бутун қишлоқ ақли ҳаловатини йўқотган. Кечалари безовта бўлиб, ваҳимда тонг оттиради. Ахир, худди шундай воқеанинг бошқа бир ҳамқишлоғимиз уйда содир этилмаслигига ким қафолат бера олади?

Биз шу мазмундаги шикоятлар билан вилоят, жумҳурият органларига бир неча бор мурожаат этдик. Афсуски, ҳеч ким ҳолимиздан ҳабар олмапти. Шу боис газета орқали яна бир бор мурожаат этишга аҳд қилдик. Шояд-ки додимиэ ҳуқуқ-тартибот посбоналарига етиб бориб, ҳолатимизни чиқса. Ҳақиқат тинч ва осуда бўлиб келган қишлоғимиз ҳаёти яна аслига қайтса.

ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

Уйчи районидаги «Строймаш» кооператив ишга тушганига ҳақ кўп вақт бўлган йўқ. Ўз иш фаолиятини ўтган йилнинг апрель ойида собиқ колхозларга механизациялашган 84-қўйма колонна биносига бошлаган маъмурият тизимида тез орада қўшма хўжалиқнинг ўсатиш бўлимига таъинланди. Унга қурилишда суғи қотган Сибиржон Анбаров етказиб қилинмоқда. Бу мутахассис бир неча йил раёндаги турли бинокорлик тапшиқларда ишлаб, етарли тажриба тўплаган. У раҳбарлигини оқилона олиб бораётганини туғайли қўланган режалар амалга ошаётганидан аён бўлган.

Бу йил 120 миң сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз олдларига мақсад қилиб олган бунёдкорлар ўтган даврда кўпгина уй-жойлар қатори йилдагина дам олиш зонаси ёнида йирик шифо маскан, шунингдек, қойхона биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Бутунги кунда Олмазор маҳалласида яшовчи медицина ҳамшираси Мавлардон Исмоилова иш уюшмасига таъин қилинган. Бинокорлар унинг олмасига барча қўлайликларга эга бўлган кооператив уйи қуриб беришти. Барча ишларнинг тез ва сифатли бажарилишига Ихломжон Жўраев бошлиқ бригаданинг Ёқубжон Пулатов, Аҳмаджон Жўраев, Ҳамиджон Пулатов сингари муҳир қурувчилари муносиб улуш қўшимсоқда. Бир сўз билан айтганда, кооператив аъзоларининг хизмати элга манзур бўлаётди.

М. ҚОДИРОВ.

СУРАТДА: ишбоши Собиржон Анбаров ва муҳир қурувчи Ҳамиджон Пулатов.

А. ЮСУБОВЕВ олган сурат.



Қайси томондан қараман, Орол денгизининг қуриб бораётгани бутун жаҳон маънафатларига дахлдордир. Ай-тишларига, ҳозирнинг ўзидаёқ космосдан олганин сураб-ла собиқ денгиз тубидан кўтарилган туз тўзонни Помир ва Ҳимолай музликларига тушганлигини қайд этди. Ер сийбаси деб аталувчи табиий объект туташ эканлигининг исботи эмаскиан бу. Шундай экан, денгизнинг йўқ бўлиб кетиши жаҳоншумул иқлим жараянларига қандайд таъсир қилиши ҳақи номаълум. Шунинг учун ҳам бу муаммо ҳозирги кунда кўпгина мамлакатлар олимларини кизиқтирмоқда.

АҚШнинг Индиана штатда жойлашган Блумингтон шаҳридаги дорилфунида «Орол денгиз тағлиғи — Урта Осиёнинг экология муаммоси» Совет — Америка илмий конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференциянинг Ер куррасининг қарама-қарши томонида ташкил қилинганлигини ўз америкалик олимлар ҳам вужудга келётган экология вазиятидан ташвишланаётганликларини кўрсатди.

Совет Иттифоқидан шу анжуманга борган гуруҳ аъзоларидан бири Ўзбекистон ССР мелiorорчи ва сув хўжалиқ министри Р. А. ГИНИЯТҲОЛИЙ эди. УЗТАГ мухбирини ундан бир қанча саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

ди. Умуман, океан ортидаги бадавлат амакидан умидвор бўлиш ярамайди. Орол — бу, аввало, бизнинг муаммо ва уни ўзимиз ҳал қилишимиз керак.

— Нима, Қўшма Штатларда ҳақиқатан ҳам шунга ўхшаш экология муаммолари борми?

— Бўлмасачи. Масалан, сугориши ва Лос-Анжелесни сув билан таъминлаш учун Моно кўлдан сув олиниши оқибатига сув сатхи фожияли даражада пасайиб, кўл табииати ўзгариб кетди. Ҳозирги пайтда кўлдан сув сатхи 12,3 метр пайсан. Сақраменто ва Сан-Хоакен дарёлари манбасига оқиб келадиган сув сифатининг ёмонлашуви ҳамда сув қуйлишининг камайиши, Колорадо дарёси ҳавзаси муам-

ган гапку. Шундай ҳаракат қўллаб қўйиладиган габир бўладими?

— Бу — салбий таъриба. Лекин америкаликлар икбий таъриба ҳам тушганлар. Масалан, шўрланган манбалардан жониворлар ва ўсимликлар қирилиб кетишига қарши кураш учун мўлажалланган солероллар еттиштириш ёки сув мақсадлар учун бошқа сувий усуллари фойдаланиш — ҳаракатланувчи қўмларни пленка полимерлар билан мустаҳкамлаб қўйиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Булардан, шубҳасиз, бизнинг шароитларимизда ҳам фойдаланиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Хуллас, биз конференциядан унча аммоси шу қадар мураккаб, биз ҳам, америкаликлар ҳам ҳозирча унинг аниқ бир ечимини билмаймиз.

Иккинчидан, бу учрашувдаги асосий хулоса: Урта Осиёдаги беш жумҳурият бутун мамлакат илмий ва техникавий имкониятлари иштирокида яқин ҳамжihatлик билан иш олиб боришигина Урта Осиёга, унинг табииати ва иқтисодига ёрдам бериши мумкин. Бу ишда юксак ривожланган мамлакатлар, шу жумладан АҚШнинг ёрдами ортиқча бўлмайди.

Шуни яна таъкидлаб ўтмоқчиманки, америкаликлар бизга қуруқ раҳмат эмас, ёрдам бериш ниятида эмаслар. Бунинг учун улардан ҳафа бўлиш ҳам ақдан бўлмасди. Ҳамкорликнинг ҳар қандай тури ўзaro фойдали бўлиши лоизм ва мумкин.

Амалий жиҳатдан эса америкалик экспертлар бизга қишлоқ ҳужайри ишлаб чиқаришига, структурасини таксимлаштиришда, пахта, сабабот, меваларни чуқур қайта ишлаш неғизда таъёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайтиришда ёрдам бера оламиз, деб ҳисобламоқдалар. Улар сувни тежаш, тозалаш ва ундан кўп марта фойдаланиш бораидаги замонавий технологияларни бизга беришга (беуп эмас, аяббат) қарши эмаслар. Ниҳоят, улар ёрдамида чет эл капиталини серҳосил деҳқончилик технологияларини жорий этиш, шунингдек бизда маҳаллий нефть ва газ неғизда полимерлар ишлаб чиқариш саноатини барпо этиш учун жалб қилиш мумкин. Бу эса бизга полиэтилен пленка ҳамда пластмасса қурувлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси қўшма корхоналар қуришида, шунингдек бевосита мол айирбошлаш ва ўринини қоллаш асосида бўлади.

Сухбатни УЗТАГ мухбири Ю. БОНДАРЕНКО ёзиб олди.

Булугўр районидаги Удубек номли давлат хўжалиги сигирсоғари Шарофат Турдубоева ҳоло меҳнати билан бахт топаётган қишлоқ аёлларидан. У бир неча йилдирки, ўзига бириктирилган 15 бош соғин сингирни меҳр билан парвариллаб белгиланганидан зиёда сут соғиб олапти.

Сут-товар фермаси жамоасининг ўзаро меҳнат бахсида ҳамisha пешқадамлар сафида. Илгор сигирсоғар жорий йилда ҳар бош говишдан мўлажалдагидан 300 килограмм ортиқ сут соғиб олишга аҳд қилган.

СУРАТДА: Шарофат Турдубоева.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

ОРОЛГА ЧЕТДАН НАЗАР

қўқариш хусусидаги бутун умидларни эса улар АҚШ ҳуқуқати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан боғладилар.

Дарвоқе, раислик қилувчи профессор Д. Бейкер совет вакилларига илмий конференцияларда ҳуқуқатларга ва сиёсий раҳбарларга бундай хуруж қилишга йўл қўйиб бўлмаслиғи тўғрисида тушунарли тарзда шайма қилди. Ўйлашимча, Америка вакилларининг конференциядаги нутқлари ҳам бу одамларга устларидан совуқ сув қуйгандек таъсир қилди. Улар хусусий компаниялар фақат салмоқли молиявий фойда олиш мумкин бўлган тақдирдагина Орол программасида иштирок этишлари мумкинлигини билдирдилар. Америка ҳуқуқати тўғрисида эса гапирмасам ҳам бўлади, чунки унинг олдига ҳам катта сарф-ҳаражатларни талаб қилувчи шунга ўхшаш экология муаммолари тури-

морода дарёси ҳавзаси муаммолари билан шугуллаяётганликлар тўғрисида гапирганидир. Демак, улар мунча таъриба тўплаган. Биз шерикларимиз йўл қўйган хатоларини такрорламалик учун шу таърибадан фойдаланмасан бўлмасмикин?

— Нима учун бўлмас экан? Мана, масалан, уларнинг шау сувни катта миқдорда чуқуқлаштириш бораидаги таърибалари иқтисодий жиҳатдан номуболиб эканлигини кўрсатди. Бу жузда қимматга тушади. Ваҳоланки, бир қанча вакиллари ушбу нутқлариде йилга 20 куб километргача сувни чуқуқлаштиришни ва шу тариқа Орол муаммосини қисман ҳал этишни таклиф қилишди. Ҳозир энг яхши технологиялар бири киб метр сувага ишлов бериш нарҳини бир долларгача туширди. Лекин ахир 20 миллиард кубметр суви чуқуқлаштириш 20 миллиард доллар де-

муңча фойдали нарсаларни ҳам ўрганиб қайтидик.

— Кўп эмас...

— Тушуниң, умид уйғувчи асосий нараса шуки, Совет Иттифоқидан борган барча иштирокчилар уйга бир-бирига аниқ қилинган нуктага назар билан қайтидик. Америкаликларнинг вужудга келган вазиятни ҳис-ҳиссиётларга берилмай баҳолашлари бизни бир қанча принципал фикрларда бирлаштирди. Биз ҳаммамиз бу қадар мураккаб муаммоларни дарҳол ҳал эта оладиган оддий ечимлар йўқлигини англадик. Пухта ўйланган иқтисодий-иқтисодий, техник ва мелiorатив тадбирлар комплекси зарур. Буларнинг ҳаммаси олти-ҳафтасида асосинини — табият ва жаҳонат учун мумкин надар кам зарар етказиш лоизм.

— Лекин, ҳар қалай, Америка ёрдам беришдан умид қилас бўладими?

— Биринчидан, Орол му-

Ташкилот комитетининг мажлиси

Ўзбек совет адаби Ҳамид Олимжон турган кунинг 80 йиллигини байрам қилиш юзасидан тузилган ташкилот комитетининг навабтади мажлисида Москвада юбилей таънаталарини ўтказишга тайёрларлик қандай бора-ётганлиги муҳоама қилинди.

Шахсий уй қурувчиларга ғамхўрлик

Жумҳуриятимизда кейинги вақтда якка тартибда уй-жойлар қурилиши ҳажми анча кўпайди. Мазлумки, жумҳурият фармойиш берувчи идоралари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уй-жой билан таъминлашнинг ҳал этиш мақсадида ўзлаштириш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер акра-тиб бериш тўғрисида қарор қабул қилган эдилар. 1989 йилдан бери ўтган вақт ичиде 1,7 миллиондан кўпроқ ер участкаси ажратиб берилди. Ҳар йили тахминан 400 мингга яқин уй-жой бинолари фойдаланишга топширилади. Бундай шароитда уй-жойларни инженерлик шох-хошчалари билан таъминлаш масаласи, жумладан, электрлаштириш масаласи ниҳоятда ўткир бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашида бўлган махсус муҳомадада фойдаланишга топшириладиган уй-жойларни электр қуввати билан таъминлаш аҳоли учун катта аҳамиятга эга

эканлиғи эътиборга олинди. Электр линиялари ва кичик станцияларни лойихалаш ҳамда уларни қуриш тартиби белгилаб олинди. «Сельэнергопроект»нинг Урта Осиё бўлими ҳамда унинг вилоят бўлинмалари зиммасига бош лойихачи вазифаси юклатилди.

«Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1991 йилдан шаҳар посёлкалари ҳамда қишлоқ жойларда электр шохобчалари, кичик станциялар ва бошқа энгир-тетика ишпооларини лойихалаштириш ҳамда уларни қуриш бўйича бош бурюрмачи қилиб белгиланди. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Кенгаши, вилоят икромия комитетлари, Тошкент шаҳар икромия комитети лойиха ва қурилиш ишлари ҳажмининг ҳамда уларни бажариш муддатларини ҳис-соби олиб, ана шу ишларни бажариш учун бюрутмалар берадилар. «Узсельэлектрострой» трестлари маҳаллий Советлар билан бевосита шарҳномалар асосида 1990

Ильич районидаги Титов номли давлат хўжалиғига қарашли «Пахтакор» кооперативининг I-звониси дала шйрониде бўлганда, ажойиб боққа кўзингиз тушадилар. Уин 1982 йилда шу жамоа бошлиғи Абдулҳодиди Абдубанноев барпо этган эди. Бу йил нав-ниҳоллар

воғга етиб, мўл ҳосил еттиштирилади. Шафтоли, олма ва узумдан нафақат звено деҳқонлари, балки совхоз меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўлишапти.

СУРАТДА: боғбонлар саркори Абдулҳодиди Абдубанноев.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

КПСС: тарихнинг янги саҳифалари

22 август кунин КПСС Марказий Комитети матбуот марказида бўлган учрашувда КПСС Марказий Комитети илмий ва ўқув-юртлари фаолияти ва ҳозирги шароитда уларнинг роли муаммолари тўғрисида гап бори.

Журналистлар ҳузурда КПСС Марказий Комитети ҳузурдаги марксизм-ленинизм институтининг директор Г. Л. Смирнов, шу институтнинг сектор мудирлари В. А. Козлов, КПСС Марказий Комитети ҳузурдаги иқтисодий фанлар академиясининг ректори А. А. Галкин сўзга чиқдилар.

Улар партия тараққийотининг ҳозирги жараёнларини

гоят мураккаб ва зиддиятли эканлиғи ҳақида гапирдилар. Партия тарихи саҳифалари қайтадан ёрилмоқда. Илгари бу йилномада фақат Вольшевиклар партиясининг фаолияти кўрсатилган бўлса, эндиликда баёнга янги партиялар, инкилоб даврининг «унутилган» арбуллари киритилмоқда. Ҳозир партия тарихи янги наشريнинг биринчи жиқди эълон қилиш учун тайёрланмоқда. Яқин вақт ичиде китобхонлар илгари тўла эълон қилинмаган партия XIV ва XX съездаларнинг стенограммалари билан таниша оладилар.

(ТАСС мухбири).

КПСС Марказий Комитети ҳузурдаги иқтисодий фанлар академиясининг ректори А. А. Галкин сўзга чиқдилар.

Улар партия тараққийотининг ҳозирги жараёнларини

ПИРУ БАДАВЛАТ ОТАХОН

Қашқадарё вилоятининг Ульёнов районидagi Равот қишлоғи аҳолиси ўзларининг энг кекса юрдошларини тўғри нишонлаш учун қўнчилик бўлиб келишди...

Шоди бобо байрамда меҳмонларга ўз хотираларидан ҳам сузлаб берди. Чунки у қанча ҳиноя қилса, шунча арайидиган воқеаларни бошидан кечирган...

— Агар инсон инсонларга хос яшайдиган ҳолатда бўлса, унинг одамлар олдига ҳам ўз вилдони олдига қараганда кўп бўлади...

ЯНГИ МАКТАБ

Богот районидagi Димитров номида қолхозда янги ўқув йили бошлангич рафасида 520 ўқувчига фойдаланган янги мактаб фойдаланишга топширилди...


ХАНДА

Бошлиқ ходимдан сўради: — Уртоқ Бердиев, квартира деган эдингиз, мана унинг ҳам бердик...

Ойнаи жаҳонда

9.00 «Ассалому алайкум», Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Боболар ери», Бадий фильм («Қозоқфильм»)...

СУРАТДА: Қўрғонтепа район матлубот жамияти ходимлари Ҳафиза Камолова ва Мансур Умаров Куйбишев номида жамоат хўжалиги аъзоси Турғунбой Нурбоев ҳамда унинг рафиқаси Ҳадиёга камчи...



Б. ЮСУПОВ олган сурат (УзТАГ).

ТАБИАТ ВА ИНСОН ЭНГ ЯХШИ УСУЛ

Марҳамат районидagi «Комсомол 60 йилгига» давлат хўжалигида кейинги ўн йил ичида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисида ҳаётчилик, чорвачилик соҳасида салмоқли натижаларга эришилди...

Ихтирочилар тасвия этган бу оддий, содда, арзон экологик усул СССР Вазирилар Кенгаши қошидаги Раціонализаторлик ва ихтирочилик ишлари бўйича давлат қозонор илмий ишлардан бири бўлди...

минг гектарга чигит қадалди. Янги усулда экилган ниҳоллар касалланмай барвақт ривожланипти. Диққатга сазоворни, уруғлик чигит ихтирочилар тақлиф этган янги усулда экилганда дориланганига нисбатан 5—7 кун олдин униб чириб, гоммоз насалигига атиги 5—6 фозга чалинади...

Ихтирочилар оддий экологик тоза усулни топдилар. Эндиликда дориланмаган

Америка Қўшма Штатларида таниқли бўлган итисоди олим В. Леонтевиннинг тақлифига биноан Ўзбекистонлик уш нафар ўш олим океан ортга, Гарвард дорилфунунига жунаб нетди.

АМЕРИКАГА—ЎҚИШГА

ақратилди, уларга таълим бериш учун кетадиган сарф-харажатларни эса Америка томони ўз зиммасига олди. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг илмий, инженер ва бошқарув ходимларини таъйиришнинг мувофиқлаштириш комиссияси ҳозир яна ўш мутахассисни хоржий мамлакатларга жунатиш учун ҳозирлик қурипти...

мажлисда бошлиғимизни ро-са тақдид қилди. Турмушга чиқётган қиз онасига деди: — Ойнон, ҳар кун кечқуру бизнига бориб тура-сиз. — Нега таомларингиз бунчалки базага? — Бу гапингиз таомларни емасдан олдин айтишингиз керак эди-да, биродар.

фар ёш олимни жаҳоннинг етакчи илмий марказларига уч ой мудат билан иш ўрганишга юбориш режалаштирилган. Иттифоқ нормаларига асосан, шунингдек жумҳурият маблаглари ҳисобидан ўқитиш имконияти янада кенгайтирилди. Шу сабабдан жумҳурият министрилик ва идораларида мамлакатимиз олий ўқув юртиларига ҳамда ундан ташқарига ўқишга юбориш учун ёш мутахассислар резерви таъйирлана бошлади. Жумҳуриятимиз учун етакчи йўналишдаги касба эга бўлган, шунингдек хоржий тилларни биладиган кишиларга бу борада афзаллик берилди.

Лекин ҳамюртларимиз бўш келишмади. Иккинчи тўлдан сўнг улар тезликни оширдилар. Биринчи бўлим тугай деб қолганда Қосимов — Шквирин комбинацияси самарали яқунланди. Моҳир тўғуримиз «Нистру» дарвозабони билан яқма-яқка чиқиб, уни доғда қолдирди.

ФУТБОЛ Кишинёвда ҒАЛАБА

Утган кунни қўп сонли футбол ихлосмандлари Кишинёвдан олиб берилган репортажни озиқиб қутдилар. Бу ерда маҳаллий «Нистру» командаси пахтакорчилар билан ўйнаш керак эди. Иккинчи бўлим тўла-тўки пахтакорчилар устунлик қилди ўти. Улар ташаббусни бутунлай қўлга олиб, шиддатли ҳужум уюштирдилар. Бу 50-дақиқадаёқ самара келтирди. Моҳир ўйинчи Миржалол Қосимов тўпни дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни тенглаштирди — 2:2. Шундан кейин ўйин қизғин тус олди. Пахтакорчилар ҳисобни бир неча марта оширишлари мумкин эди. Афсуски, улар қўлай лаҳзаларда шопиб қолди, имкониятларни бой бердилар. Майдон эгалари ҳам бир бор яқин масофадан бўш қолган дарвозани ишғол эта олишмади. Ниҳоят, учрашув тугашига оз қолганда пахтакорчиларнинг тезкорлик билан бошлаган ҳужумлари яна бир марта муваффақият келтирди. Денисов — Қосимов — Шквирин — Пятницкий комбинацияси мезбонлар дарвозасига учинчи тўпни киритиш билан яқунланди.

Шундай қилиб, пахтакорчилар учрашувни 3:2 ҳисобда ўш фойдаларига ниҳоялаб, муҳим галабани қўлга киритдилар. Улар жамаатрасидани оқолар 32 тага етиб, учинчи ўрнида мустаҳкам жойлашиб олишди. Шу кунни биринчи лигада яна иккита учрашув бўлиб ўтиди. Ленинграднинг «Зенит» ва Москванинг «Локомотив» командалари 1:1 ҳисобда дуранг ўйнадилар. Иккинчи ўрнида бораётган Запороженинг «Металлурги» коллективи ўш майдонда Олмаотанинг «Қайрат» клубини йирик ҳисобда маглубитта учратди — 4:1.

Кеча биринчи лига коллективлари бу турнинг қолган баҳсларини давом эттирдилар. Еттига учрашув бўлиб ўтиди.

Кишинёвда ўтадиган матчида майдон эгалари маглубит ўқини чиқариб олиш учун ҳаракат қилишлари кутилган эди. Аслида ҳам шундай бўлди. Дастлаб томонлар бир-бирларининг суст жойларини қидиришга ҳаракат қилдилар. Аммо майдон эгалари аста-секин ташаббусни қўлга олишди. Биринчи бўлимнинг иккинчи қисмидан устунлик тўла-тўки улар томонига ўти. Ниҳоят, 29-дақиқада «Нистру» ўйинчиси Ковач химоячиси Фарход Магомедов хатосидан фойдаланган, ҳисобни очди. Орадан кўп ўтмай майдон эгалари иккинчи бор муваффақият қозондилар. Бу сафар Проценко дарвозани аниқ мўлжалга олди.

Лекин ҳамюртларимиз бўш келишмади. Иккинчи тўлдан сўнг улар тезликни оширдилар. Биринчи бўлим тугай деб қолганда Қосимов — Шквирин комбинацияси самарали яқунланди. Моҳир тўғуримиз «Нистру» дарвозабони билан яқма-яқка чиқиб, уни доғда қолдирди.

Муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи Т. М. МИРҲОДИЕВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана. Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.



Ўзбекистон Жумҳурият қўнчили ўт қирувчилар жамияти. «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон бўлими.

«Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси жамоаси хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг ходими М. Аъзамовга отаси Жамолддин АСОМИДИНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.